ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИ: ТАҲЛИЛ ВА ХУЛОСАЛАР

Давлятов Қаҳрамон Абдумавлянович
Тошкент давлат иқтисодиёт унверситети мустақил изланувчиси.
Тошкент, Ўзбекистон E-mail: qahramon260277@gmail.com
ORCID:0009-0008-3783-4574

THE PRACTICE OF LENDING TO FAMILY ENTREPRENEURSHIP IN THE BANKING SYSTEM OF UZBEKISTAN: ANALYSIS AND CONCLUSIONS

Davlyatov Kahramon Abdumavlyanovich
Independent Researcher at Tashkent State University of Economics
Tashkent, Uzbekistan. E-mail: qahramon260277@gmail.com
ORCID:0009-0008-3783-4574

***Аннотация**: Мақолада Ўзбекистон банк тизимида оилавий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш амалиётининг амалдаги ҳолати комплекс таҳлил қилинган. Хусусан, мамлакатда оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат дастурлари доирасида тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредит маблағларининг динамикаси, уларнинг тармоқлар кесимида тақсимланиши ҳамда кредитлаш механизмларининг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган. Шу билан бирга, оилавий тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини қондиришда банк кредитларининг аҳамияти ва уларнинг иқтисодий фаолликни оширишдаги ўрни таҳлил қилинган.*

Тадқиқот давомида кредитлаш самарадорлигига таъсир этувчи иқтисодий ва институционал омиллар аниқланиб, кредит ажратиш жараёнида юзага келаётган айрим муаммолар ва чекловлар илмий жиҳатдан баҳоланган. Жумладан, гаров таъминоти талаблари, молиявий ҳисоботлар етишмаслиги, тадбиркорларнинг молиявий саводхонлиги даражаси каби омиллар кредит олиш имкониятларига таъсир кўрсатиши асослаб берилган. Мақола якунида мазкур соҳада кредитлаш механизмларини такомиллаштириш, банклар ва оилавий тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш ҳамда молиявий қўллаб-қувватлаш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий асосланган таклиф ва хулосалар ишлаб чиқилган.

***Калит сўзлар:** оилавий тадбиркорлик, тижорат банклари, кредит, кредитлаш амалиёти, молиялаштириш, молиявий қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес.*

***Abstract:** The article provides a comprehensive analysis of the current state of lending practices for family entrepreneurship entities in the banking system of Uzbekistan. In particular, the dynamics of credit funds allocated by commercial banks within the framework of state programs aimed at supporting family entrepreneurship in the country, their distribution across sectors, and the specific features of lending mechanisms are*

examined. At the same time, the importance of bank loans in meeting the financial resource needs of family entrepreneurship entities and their role in increasing economic activity are analyzed.

During the research, economic and institutional factors affecting the efficiency of lending were identified, and existing problems and limitations arising in the process of loan allocation were scientifically assessed. In particular, it is substantiated that such factors as collateral requirements, insufficient financial reporting, and the level of financial literacy of entrepreneurs influence the possibilities of obtaining loans. At the end of the article, scientifically grounded proposals and conclusions aimed at improving lending mechanisms in this field, strengthening cooperation between banks and family entrepreneurship entities, and increasing the effectiveness of financial support are developed.

Keywords: *family entrepreneurship, commercial banks, credit, lending practices, financing, financial support, small business.*

Кириш

Ўзбекистон иқтисодиётида оилавий тадбиркорлик субъектлари аҳолини иш билан таъминлаш, даромадларини ошириш ва ҳудудий иқтисодий ривожланишни қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин эгаллайди. Сўнгги йилларда оилавий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланиб, ушбу соҳани молиявий жиҳатдан рағбатлантириш механизмлари кенгайтирилмоқда.

Оилавий тадбиркорлик субъектларининг барқарор фаолият юритиши кўп жиҳатдан молиявий ресурсларга, хусусан банк кредитларига бўлган имкониятлар билан боғлиқдир. Тижорат банклари томонидан кредит ажратиш амалиёти мазкур субъектларнинг инвестиция фаоллигини ошириш, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва рақобатбардошлигини мустаҳкамлашда асосий молиявий манба ҳисобланади.

Шу билан бирга, амалиётда оилавий тадбиркорликни кредитлаш жараёнида айрим муаммолар, жумладан, кредит ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги, таъминот масалалари, таваккалчилик даражаси билан боғлиқ масалалар мавжуд. Мазкур ҳолат ушбу йўналишни чуқур таҳлил қилиш ва илмий асосланган хулосалар ишлаб чиқиш заруратини юзага келтиради.

Шу нуқтаи назардан, мақолада Ўзбекистон банк тизимида оилавий тадбиркорликни кредитлаш амалиётининг амалдаги ҳолати таҳлил қилиниб, унинг ривожланиш тенденциялари ва мавжуд муаммолари ўрганилади ҳамда тегишли хулосалар шакллантирилади.

Материал ва метод

Мазкур тадқиқотда Ўзбекистон банк тизимида оилавий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш амалиётини ўрганиш ва таҳлил қилишда бир қатор илмий тадқиқот усулларидан фойдаланилди. Жумладан, иқтисодий жараёнларни ўрганишда таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, қиёсий таҳлил ҳамда тизимли ёндашув усуллари қўлланилди.

Тадқиқот жараёнида оилавий тадбиркорлик субъектларини молиялаштиришга доир илмий адабиётлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек тижорат банклари фаолиятига оид статистик маълумотлар таҳлил қилинди. Шу билан бирга, кредитлаш амалиётининг ҳолатини баҳолашда иқтисодий-статистик таҳлил, динамик қаторлар таҳлили ва таққослаш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг назарий асосини иқтисодчи олимларнинг банк кредитлари, кичик бизнес ва тадбиркорликни молиялаштириш соҳасидаги илмий ишлари ташкил этади. Эмпирик база сифатида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари ҳамда расмий статистик манбалар маълумотларидан фойдаланилди.

Ушбу методологик ёндашувлар орқали оилавий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш амалиётининг амалдаги ҳолати таҳлил қилиниб, унинг ривожланиш тенденциялари ва мавжуд муаммоларига илмий асосланган хулосалар шакллантирилди.

Натижалар

Ғарбий Европа давлатларида оилавий тадбиркорлик (оилавий корхоналар) бир неча авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бўлса, Ўзбекистонда оилавий тадбиркорлик ривожланишнинг илк босқичларида бўлиб, оилавий корхоналарнинг энди биринчи авлоди шаклланмоқда. Ҳозирда республикамизда оилавий тадбиркорлик энди шаклланаётганлиги сабабли аҳоли тадбиркорлиги ва оилавий тадбиркорлик тушунчалари деярли бир-биридан ажралмас тушунча ҳисобланади. Шу сабабли биз тадқиқотимизда аҳоли ва оилавий тадбикорликни бир бутун ҳолда ўрганишни мақсад қилдик.

Республикамизда мустақилликнинг дастлабки йиллардан тадбиркорлик соҳаси ривожланишига катта эътибор қаратилиб қонунчилик базаси шакллантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Фуқаролик кодексига, Солиқ кодексига оила ва тадбиркорлик ҳуқуқларини кафолатлашга оид нормалар киритилди.

"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги ва "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди.

Оилавий тадбиркорлик Ўзбекистонда **алоҳида ҳуқуқий институт** сифатида белгиланди. Бу жаҳон амалиётида кам учрайдиган ҳолатдир.

Оилавий тадбиркорликнинг ривожланишига республикамизда иккинчи ҳукумат даврида катта эътибор қаратила бошланди.

Бугунги кунда республикамизда оилавий тадбиркорликни тижорат банклари томонидан молиялаштириш тизими деярли давлат томонидан шакллантирилади ва тартиб солинади.

Ўзбекистонда аҳолини тадбиркорликка жалб этиш ва оилавий тадбикорликни молиялаштиришда давлат ташаббуси билан ишлаб чиқилган бир нечта дастурлар мавжуд бўлиб, шулардан энг асосийси 2018 йилда қабул қилинган **"Ҳар бир оила-тадбиркор"** дастуридир.

Мазкур дастур орқали Республика ҳукумати мамлакатимизда йиллар давомида шаклланган ишсизлик ва қашшоқлик, молиявий саводсизлик ҳамда яширин иқтисодиёт каби оғир ижтимоий ва иқтисодий муаммоларнинг ечишни мақсад қилган.

Ушбу дастурни ижроси юзасидан ҳар йили давлат бюджети ва "Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси" ва бошқа мақсадли жамғармалар маблағлари ҳисобидан дастурда иштирок этувчи тегишли тижорат банкларига ушбу банкларнинг устав капиталини ошириш ёки Марказий банкнинг асосий ставкасида ресурслар жойлаштириш кўринишида маблағлар ажратилади.

Бу дастурда бўйича кредитлар асосан Халқ банки, Микрокредитбанк ва Агробанк орқали ажратилади.

Дастурга кўра кредитларнинг тўлиқ рақамлашган ҳолда ажратилишини таъминлайдиган **ягона электрон платформа** (оилакредит.уз) ишлаб чиқилган бўлиб, бу электрон платформага тегишли тижорат банклари ва давлат ташкилотлари интеграция қилинган.

Шунингдек, ажратиладиган кредитлар ҳисобидан товарларни (ишларни, хизматларни) бозор тамойиллари асосида эркин сотиб олиш ёки сотиш хизматларини таклиф қилувчи (таъминотчи ташкилотлар) ҳамда қарз олувчилар томонидан маҳсулот етказиб берувчиларни мустақил танлаш имкониятини берадиган электрон савдо майдони —**маркетплейс тизими ишлаб чиқилган.**

Шунингдек, дастурга кўра:

-республика, вилоят, туман ва шаҳарлар даражасида **Оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари;**

-ҳар бир маҳаллада доимий фаолият юритувчи **ҳоким ёрдамчиси** лавозими;

- маҳаллаларнинг географик жойлашуви, аҳоли сони ва туман тоифасидан келиб чиқиб маҳалланинг тадбиркорлик қилиш имкониятларини ўрганадиган, аҳоли ва кичик бизнес вакиллари билан мулоқотда бўлиб, уларнинг ғояларини лойиҳаларга айлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш чораларини кўрадиган, аҳолини кредит олиш, қайтариш, бизнесини йўлга қўйиш, маҳсулотини сотишга ўргатадиган ва кўмаклашадиган ҳар 3-4 та маҳаллага битта тижорат банк ходими-**маҳалла банкири**;

-маҳалладаги ҳар бир хонадонни яхши биладиган, аҳоли орасида банк хизматларини оммалаштириш, молиявий саводхонликни ошириш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини банк хизматларига қизиқтириш орқали тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва кенгайтириш бўйича маҳалла банкирига кўмаклашувчи жисмоний шахс-**ёрдамчи-агент** лавозими ташкил этилган.

Дастур доирасида лойиҳаларни молиялаштириш учун кредитларнинг барча босқичи ариза, скоринг баҳолаш, ҳоким ёрдамчиларининг тавсияси, кредит таъминоти, ҳужжатларни электрон кўринишда шакллантириш, кредит ажратиш ва мониторинг фақат ягона электрон платформа орқали амалга оширилади.

Ушбу ягона электрон платформа тизимдаги шаффофликни таъминлаш, кредитларни мақсадли ишлатилишини кузатиш, кредит олувчиларни ортиқча сарсонгарчиликларни камайтириш ва кредитга олинадиган маҳсулотларни тез ва сифатли етказиб берилишини таъминлаш мақсадида ташкил этилган.

Қуйида 1-расмда дастур доирасида лойиҳаларни молиялаштириш босқичларини кўриш мумкин.

1-расм. "Ҳар бир оила-тадбиркор" дастур доирасида лойиҳаларни молиялаштириш босқичлари[1].

[1] Муаллиф томонидан тузилган.

Бунда барча кредитлар ҳар бир маҳаллага бириктирилган ҳоким ёрдамчисининг тавсиялари билан ажратилади.

Кредитлар дастурда иштирок этувчи тижорат банклари томонидан 3 йилдан 4 йилгача муддатга 6 ойдан 1 йилгача имтиёзли давр билан йиллик **17,5 фоиз** ставкада ажратилади.

1-жадвалда "Ҳар бир оила тадбиркор дастури" асосида жисмоний ва юридик шаҳсларга ажратиладиган кредитларнинг миқдори, кредит таъминотига қўйилган талбалар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

1-жадвал. "Ҳар бир оила тадбиркор дастури" асосида ажратиладиган кредитлар тўғрисида маълумот.

Иштирокчилар	**Кредит суммаси**	**Кредит таъминоти**	**Кредит мақсади**
жисмоний шахсларга	33 млн.сўм сўмгача	таъминотсиз (банклар ҳисобидан суғуртланади)	тадбиркорлик фаолияти учун
кичик тадбиркорлик субъектларига	33 млн.сўм сўмгача		
кичик тадбиркорлик субъектларига	300 млн.сўм сўмгача	банклар ички сиёсатига ва "Жамғарма" нинг кафиллиги асосида	инвестициявий лойиҳалари учун
Юридик шаҳсларга	300 млн.сўм сўмдан юқори *(кординаторлар хулосаси б.н)*		

Қуйида 2-жадвалда "Ҳар бир оила тадбиркор дастури" бўйича ажратиладиган кредитлар мақсади ва муддатлари бўйича маълумотлар келтирилган.

2-жадвал. Ҳар бир оила тадбиркор дастури бўйича ажратиладиган кредитлар мақсади ва муддатлари бўйича маълумот.

№	Иштирокчилар	Кредит муддати
1	оилавий тадбиркорларга ва тадбиркорлик қилиш истагида бўлган шахсларга	6 ойдан 1 йилгача бўлган имтиёзли давр билан 3 йилдан 4 йилгача муддатга
2	чорвачилик (қорамол, қўй, эчки), балиқчилик ва паррандачилик (тухум йўналиши) учун	1 йилгача имтиёзли давр билан 3 йилдан 4 йилгача муддатга
3	боғдорчилик, узумчилик ва лимончиликни ташкил этиш, иссиқхона қуриш, қишлоқ хўжалиги техникаси ва асбоб-ускуналарини харид қилиш ҳамда уларни жойлаштириш учун бино ва иншоотлар қуриш, артезиан қудуқларини қазиш учун	3 йилгача имтиёзли давр билан 7 йилгача муддатга
4	оилавий меҳмон уйлари, хостеллар, ўтов лагерлари мажмуаси, автокемпинглар, экоуйлар мажмуаси, контейнер шаҳарчалар ва чодирли лагерлар ташкил этиш ва уларни таъмирлаш учун	1 йилгача имтиёзли давр билан 5 йилгача муддатга
5	«Ҳунарманд» уюшмаси аъзоларига ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун асбоб-ускуна, эҳтиёт қисмлар ва хомашё материалларини харид қилиш, ҳунармандчиликни ривожлантириш марказлари, «уста-шогирд» мактабларини ташкил этиш, уй-музейлар ва устахоналар қуриш ёки шу мақсадларда бино ва иншоотлар сотиб олиш учун	3 йилдан 4 йилгача муддатга ҳамда айланма маблағларини тўлдириш учун 18 ойгача муддатга
6	чарм-атторлик маҳсулотлари, чармдан тайёр кийимлар, оёқ кийимлари, спорт инвентарлари, шунингдек фурнитура, аксессуарлар ва мўйначилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун асбоб-ускуна, эҳтиёт қисмлар ва хом ашё материалларини харид қилиш учун	1 йилгача имтиёзли давр билан 5 йилгача муддатга ажратилади

Ажратилган кредитларни ўз муддатида қайтармаган фуқаро ва тадбиркорлик субъектларига дастурлар доирасида янги кредитлар берилишига йўл қўйилмайди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки "Ҳар бир оила-тадбиркор" дастурини амалга оширишда банк ходимларидан катта ташаббускорлик талаб этилмоқда. Дастурнинг дастлабки босичида банк ходимлари аҳоли хонадонларига уйма-уй юриб тадбиркорлик қилиш истагида бўлган аҳолини кредитга талабни аниқлаш, тадбиркорликка тарғиб қилиш ва тадбикорликнинг йўналишларида олиниши мумкин бўлган даромадни тушунтириш ишлари билан шуғулланилди. Аҳолига тадбиркорликнинг ҳар бир соҳаси бўйича хонадонда олинадиган даромад тўғрисида тавсиявий ҳисоб-китоблар тақдим этилди. Ҳозирги вақда бу ишлар маҳалла банкири ва ёлланилган ёрдамчи агентлар зиммасига юклатилган.

Юқорида биз республикамизда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш доирасида давлат томонидан ишлаб чиқилган амалдаги дастурларни ва банклардаги мавжуд кредит турларини, уларни ажратиш шартларини кўриб чиқдик.

Қуйида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратилган кредитларни динамикасини тижорат банклари ва ҳудудлар кесимида, кредитларнинг таркибини, йўналишларини ва манбаларини таҳлил қиламиз.

3-жадвал. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 2018-2025 йилда ажратилган кредитлар банклар кесимида, *млрд сўмда*[2]**.**

Т/р	Худуд/банк номи	2018-2025 йилларда ажратилган кредитлар		шундан:											
				2018 - 2020 йилларда		2021 йилда		2022 йилда		2023 йилда		2024 йилда		2025 йилда	
		сони	суммаси	сони	суммаси	сони	сумма	сони	сумма	сони	сумма	сони	сумма	сони	сумма
x	ЖАМИ:	2 511 714	55 278,5	629 790	15 710,7	352 469	8 566	424 644	9 893,3	472 021	9 864,3	372 643	6 841,4	260 147	4 402,5
1	Халқ банки	1 112 617	22 692,5	198 282	4 960,9	150 182	3 178	175 901	3 856,3	196 749	4 007,3	228 661	3 979,3	162 842	2 711,0
2	Агробанк	684 474	16 844,7	201 259	4 901,9	126 659	3 235	167 116	4 092,6	187 820	4 115,5	1 585	464,2	35	35,9
3	Микрокредит банк	583 433	12 450,6	102 051	2 662,7	72 636	2 048	81 627	1 944,5	87 452	1 741,5	142 397	2 397,8	97 270	1 655,6
4	Бошқа банклар	131 190	3 290,7	128 198	3 185,2	2 992	106								

[2] Муаллиф томонидан Марказий банкнинг расмий (cbu.uz) сайтидан шакллантирилди.

2018-2025 йилларда Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларлари доирасида **2,5 млн.** дан ошиқ тадбиркорга **55 279 млрд.сўм** кредитлар ажратилган. Бу дегани ҳар йили ўртача **350** мингдан ошиқ кредитлар ажратилган. Шу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш керакки 2024 йилда кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига ҳамда аҳоли тадбиркорлиги учун жами **538** мингта кредит ажратилган[3], бўлса ушбу кредитларнинг **373** мингтаси ёки **69,3** фоизи фақатгина оилавий тадбиркорлик учун ажратилган. Бу рақамлар тадбиркорликнинг ушбу йўналишини нақадар муҳумлигини кўрсатади.

Ажратилган кредитлар асосан Агробанк, Халқ банки ва Микрокредит банк томонидан ажратилган. Бу ҳукумат томонидан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари учун маблағлар асосан юқоридаги учта банкларга ажратилиши билан изоҳланади.

4-жадвалда сўнги беш йил давомда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилган кредитлар манбалари таҳлил қилинган. Сўнги беш йил давомида **39 568 млрд. сўмлик** кредитлар ажратилган бўлса, уларнинг асосий қисми **37 673 млрд.сўми** ёки **95,2 фоизи** "Ҳар бир оила тадбиркор дастури" доирасида ажратилган. Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Ҳунармандчиликни ривожлантириш жамғармаси, Маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги жамғармалар ва Бандликка кўмаклашиш жамғармаси ҳисобидан эса **1895 млрд.** сўм кредитлар ажратилган.

Бу "Ҳар бир оила тадбиркор дастури" дастурнинг ижроси самарали ва кредит олувчи тадбиркорлар учун қулай йўлга қўйилганлигидан далолат беради.

[3] Муаллиф томонидан Марказий банкнинг расмий (cbu.uz) сайтидан шакллантирилди.

4-жадвал. Oilaviy tadbirkorlikni rivojlantirish dasturlari bo'yicha ajratilgan kreditlar *(манбалари бўйича),* *mlrd.so'm*[4]

№	Davr	Jami ajratilgan kreditlar		shu jumladan							
				Har bir oila – tadbirkor" dasturi asosida		Fermer, dehqon xo'jaliklari va tomorqa yer egalarini qo'llab-quvvatlash jamg'armasi hisobidan		Hunarmandchilikni rivojlantirishga		Mahalliy hokimliklar huzuridagi jamg'armalar va Bandlikka ko'maklashish jamg'armasi hisobidan	
		soni	summasi	soni	summasi	soni	summasi	soni	summasi	soni	summasi
1	2021 й	352 469	8 566	342 976	8 196	3 387	189	4 584	134,3	1 522	46,8
2	2022 й	424 538	9 893	410 719	9 380	12 011	411	1 670	85	138	17
3	2023 й	472 021	9 864	452 449	9 260	19 349	579,5	150	8,8	73	16,2
4	2024 й	372 643	6 841	358 588	6 484	14 015	353	21	1	19	5
5	2025 й	260 405	4 402,5	260 228	4 354	177	49				
Жами		**1 882 076**	**39 568**	**1824 960**	**37 673**	**48 939**	**1 581**	**6 425**	**229**	**1 752**	**85**

[4] Муаллиф томонидан Марказий банкнинг расмий (cbu.uz) сайтидан шакллантирилди.

Биз юқорида танишган оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари асосан тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аҳолини ва микрофирмаларни молиялаштиришга, яъни аҳолини тадбиркорликка ўргатиш, кичик ҳамда микро даражадаги тадбиркорликни яратиш ва ривожлантиришга қаратилган. Бу Президентимиз томонидан 2018 йилда бошланган сиёсатнинг биринчи босқичи эди.

Шу сабабли 2024-2025 йиллардан бошлаб **"Ҳар бир оила-тадбиркор" дастурининг узвий давоми ҳамда иккинчи босқичи сифатида унга параллел равишда ишловчи** янги бир нечта дастурлар қабул қилинди.

Бу дастурларда **7 йил** давомида тадбикорликка ўргатилган аҳолини ва яратилган микро даражадаги тадбиркорларни кичик ва ўрта тадбиркорликка ўтишни рағбатлантириш мақсад қилган.

Шулардан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 7 сентябрдаги "Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш» комплекс дастурини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги ПҚ-312-сонли қарори билан қабул қилинган **«Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш»** комплекс дастуридир.

Унда камида бир йил мобайнида фаолият юритаётган ва ижобий кредит тарихига эга бўлган кичик тадбиркорлик субъектларини *(микрофирма, масъулияти чекланган жамият, кичик корхона, оилавий корхона, якка тартибдаги тадбиркор, фермер ва деҳкон хўжаликлари)* коплекс қўллаб-қувватлашни **«узлуксиз занжири»ни** яратиш кўзланган.

Буни Президентимизнинг қуйидаги гапларидан ҳам англаш мумкин.

"Оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида тажриба орттирган 500 мингдан зиёд микро-бизнес вакиллари бор. Энди 9 минг 400 та маҳалладаги ҳоким ёрдамчилари ўз ҳудудида микродан кичик бизнесга ўсмоқчи бўлган 3-4 нафар тадбиркорни ҳар ойда бизнес марказларига жалб қилади".

"Ҳар бир оила тадбиркор" дастурида асосан учта банк иштирок этган бўлса, бу дастурда банкларнинг иштироки кенгайтирилди. Агробанк, Халқ банки, Микрокредитбанк, Бизнесни риволантириш банки, Миллий банк, Турон банк, Ўзсаноатқурилиш банк, Асака банк, Ҳамкор банк, Алоқа банк, ва Траст банклари иштирок этиши белгиланди.

«Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш» комплекс дастурида бир лойиҳа доирасида 300 миллион сўмгача микрокредитлар ажратилади, шундан 100 миллион сўм қисмини гаровсиз «Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси» акциядорлик жамияти маблағлари ҳисобидан, 200 миллион сўмгача қисмини банклар ва микромолия ташкилотларининг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилади.

Кредитлар айланма маблағларни тўлдириш ва тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш мақсадлар учун ажратилади.

Кредитлар қуйидаги йўналишларга ажратилмайди ва Компания томонидан қайта молиялаштирилмайди:

- қиморхона ва биллиярдхоналар, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб

чиқариш ва (ёки) улар савдосини ташкил этиш;

- 1- 3-тоифадаги ҳудудларда савдо ва умумий овқатланиш фаолияти билан боғлиқ лойиҳалар учун айланма маблағларни тўлдириш;

- илгари олинган кредит (лизинг)ларни ёки бошқа ҳар қандай қарзни қайтариш;

- кредит ажратилаётган лойиҳалар бўйича ишлаб чиқаришда иштирок этмайдиган енгил автотранспорт воситаларини харид қилиш;

- илгари амалга оширилган лойиҳалар бўйича Компания кафиллиги ва компенсация шартномалари мавжуд бўлган ёки илгари мазкур ёрдамлардан мақсадсиз фойдаланган бўлса.

5-жадвал. Тадбиркорлик қилиш истагида бўлган аҳоли ва тадбиркорларга дастурлар доирасида ажратиладиган имтиёзли кредитлар шартлари[5].

№	Дастурлар номи	Дастур ишга тушурил-ган йил	Иштирокчилар номи	Кредит суммаси	Кредит муддати	Кредит фоизи		Кредит таъминоти талаби	Дастурда иштирок этувчи банклар
1	"Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш» комплекс дастури	2024 йил	Давлат рўйхатидан ўтган тадбиркорлар	300 млн. сўмгача	7 йилгача 2 йил имтиёзли давр, айланма маблағларни тўлдириш учун 2 йилга 6 ой имтиёзли давр билан	1-тоифа туман, шаҳарлар учун	24 фоиз	100 млн. сўмгача таъминотсиз, қолгани тижорат банклари кредит сиёсати асосида	Агрорбанк, Халқ банки, Микрокредитбанк, Бизнесни ривожлантириш банки, Миллий банк, Турон банк, Ўзсаноатқурилишбанки, Асака банк, Ҳамкор банк, Алоқа банк ва Траст банк
						2-тоифа туман, шаҳарлар учун	23 фоиз		
						3-тоифа туман, шаҳарлар учун	22 фоиз		
						4-тоифа туман, шаҳарлар учун	21 фоиз		
						5-тоифа туман, шаҳарлар учун	19,5 фоиз		
2	Бизнесга биринчи қадам	2024 йил	ўзини -ўзи банд қилган жисмоний шахсларга	5-17 млн. сўм, пластик картага	3 йил 6 ой имт.двр, 5 йил 2 йил имт. давр	23-25 %		суғурта полиси	Агрорбанк, Халқ банки, Микрокредитбанк, Бизнесни ривожлантириш банки, Миллий банк, Турон банк, Ўзсаноатқурилишбанки, Асака банк, Ҳамкор банк ва Алоқа банк
3	Маҳалла лойиҳаси дастури	2025 йил	жисмоний ва юридик шахсларга	300 млн. сўмгача	3 йил 6 ой имт 5 йил 2 йил имт давр	23-25 %		суғурта полиси	Агрорбанк, Халқ банки, Микрокредитбанк, Бизнесни ривожлантириш банки, Миллий банк, Турон банк, Ўзсаноатқурилишбанки, Асака банк ва Алоқа банк.

6-жадвал. Тадбиркорлик дастурлари доирасида 2023-2025 йиларда ажратилган кредитлар, *млрд сўм*[6].

Т/р	Банк номи	*шу жумладан,*														
		Дастурлар доирасида			*шундан,*											
					Бизнесга биринчи қадам			Оилавий тадбиркорлик			Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш			Маҳалла лойиҳаси		
		2023 йил	2024 йил	2025 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил	2023 йил	2024 йил	2025 йил
x	**ЖАМИ**	**9 864**	**17 025**	**30 376**		**2 294**	**4 571**	**9 864**	**6 841**	**4 403**		**7 890**	**7 455**			**13 948**

[5] Амалдаги тартибларга асосан муаллиф томонидан тузилди.
[6] Муаллиф томонидан Марказий банкнинг расмий (cbu.uz) сайтидан шакллантирилди.

5-жадвалда дастурлар, уларнинг ишга тушурилган вақти, иштирокчилари, уларга ажратиладиган кредитлар суммаси, муддати, фоизи, кредит таъминотига қўйилган талаблар ва дастурни молиялаштиришда иштирок этувчи тижорат банклари акс эттирилган.

Дастурлар бўйича кредитлар узоқ муддатга имтиёзли давр билан, енгиллаштирилган таъминот асосида ажратилади. Бу ерда асосий эътибор яратиладиган иш ўринларига қаратилган.

6-жадвалда тадбиркорлик дастурлари доирасида 2023 йилда **9864 млрд сўм**, 2024 йилда **17 025 млрд сўм** ва 2025 йилда **30 373 млрд.сўм** кредитлар ажратилган. Ажратилган кредитлар 2024 йилда 2023 йилга нисбатан **30 фоизга**, 2025 йилда 2023 йилга нисбатан **3 баробарга** ошган. Бунинг сабаби 2023 йилда фақатгина "Ҳар бир оила тадбиркор" дастури амалда бўлиб, бу дастур иштирокчиларнинг ва уларни молиялаштирувчи банкларнинг чекланганлиги билан изоҳлади. Юқорида таъкидлаганимиздай 2024-2025 йиллардан бошлаб оилавий тадбиркорлик ривожлантиришни **иккинчи босқичи сифатида** янги бир нечта дастурлар қабул қилинди ва молиялаштирувчи банклар рўйхати кенгайтирилди.

Натижада ушбу соҳага ажратилаёган кредитлар ҳажми ҳам бир неча баробарга ошди.

Мунозара

Тадқиқот натижалари Ўзбекистон банк тизимида оилавий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш сўнгги йилларда фаол ривожланаётганини кўрсатади. Хусусан, давлат томонидан амалга оширилаётган қўллаб-қувватлаш дастурлари ва имтиёзли кредитлар ажратилиши оилавий тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурсларга бўлган имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Бу ҳолат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда иқтисодий фаолликни оширишда муҳим омил ҳисобланади.

Шу билан бирга, тадқиқот натижалари айрим муаммоларнинг ҳам мавжудлигини кўрсатади. Хусусан, кредит олиш жараёнида гаров таъминотига қўйиладиган юқори талаблар, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ҳисоботлар юритишдаги тажрибаси етарли эмаслиги ҳамда молиявий саводхонлик даражасининг пастлиги кредит ресурсларидан самарали фойдаланишга маълум даражада тўсқинлик қилаётгани аниқланди.

Мазкур натижалар айрим илмий тадқиқотларда келтирилган хулосалар билан ҳамоҳанг ҳисобланади. Жумладан, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни молиялаштиришга оид тадқиқотларда банк кредитларининг ушбу секторни ривожлантиришда муҳим молиявий манба экани таъкидланган. Шу билан бирга, кўплаб тадқиқотларда кредитлаш жараёнида гаров таъминоти ва молиявий ахборотларнинг етарли эмаслиги каби омиллар асосий чекловлар сифатида қайд этилган.

Шу нуқтаи назардан, тадқиқот натижалари оилавий тадбиркорликни кредитлаш тизимини янада такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади. Хусусан, тадбиркорларнинг молиявий саводхонлигини ошириш, кредит ажратиш механизмларини соддалаштириш ҳамда банклар томонидан маслаҳат хизматларини ривожлантириш кредитлаш самарадорлигини оширишга хизмат қилиши мумкин.

Хулоса

Ўтказилган тадқиқот натижалари Ўзбекистон банк тизимида оилавий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш амалиёти иқтисодиётни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва даромадларини оширишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди. Сўнгги йилларда тижорат банклари томонидан оилавий тадбиркорлик субъектларига ажратилаётган кредитлар ҳажми ортиб бораётган бўлса-да, мазкур жараёнда айрим ташкилий ва молиявий муаммолар сақланиб қолмоқда.

Жумладан, кредит таъминоти билан боғлиқ талабларнинг юқорилиги, айрим ҳолларда кредит ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигининг пастлиги ҳамда кредитлаш жараёнидаги таваккалчилик даражаси мазкур соҳадаги асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Шунингдек, айрим тадбиркорлик субъектларининг молиявий саводхонлиги етарли даражада эмаслиги ҳам кредит ресурсларидан самарали фойдаланишга тўсқинлик қилмоқда.

Олиб борилган таҳлиллар асосида қуйидаги **таклиф ва тавсиялар** ишлаб чиқилди:

- оилавий тадбиркорлик субъектларини кредитлашда гаров таъминоти талабларини соддалаштириш ва муқобил таъминот шаклларидан фойдаланишни кенгайтириш;
- тижорат банкларида оилавий тадбиркорлик субъектлари учун махсус кредит дастурларини янада ривожлантириш;
- кредит ажратиш жараёнида рақамли технологиялардан фойдаланишни кенгайтириш орқали кредитлаш жараёнини соддалаштириш;
- тадбиркорлар учун молиявий саводхонликни оширишга қаратилган ўқув дастурлари ва маслаҳат хизматларини ривожлантириш;
- оилавий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашда давлат ва банклар ўртасидаги ҳамкорлик механизмларини янада такомиллаштириш.

Мазкур таклиф ва тавсияларни амалиётга жорий этиш оилавий тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш тизимининг самарадорлигини оширишга, банк кредитларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга ҳамда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишига хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 июндаги "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3777-сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, "Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир ўшимча чора-тадбирлар тўғрисида", 2021 йил 20 декабрь, ПҚ-55-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 январдаги "Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес

ташаббусларини қўллаб-қувватлашни янги босқичга олиб чиқишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги ПҚ-39-сон Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 2 апрелдаги "Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини молиялаштиришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги ПҚ-149-сон қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 7 сентябрдаги «Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш» комплекс дастурини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-312-сон қарори
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил 8 августдаги мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклида ўтказилган учрашувдаги нутқи.
7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки "Статистик бюллетень" 2025 йил Тошкент.
8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайти (cbu.uz).
9. Ҳ.П.Абулқосимов, А.А.Қулматов "Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оилавий тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари" Тошкент, унверситет, 2015 й. 7-бет.
10. Лаврушин О.И. Банковское дело. – Москва: КНОРУС, 2021.
11. Балабанов И.Т. Банки и банковское дело. – Санкт-Петербург: Питер, 2020.